



Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмок бузилгон рўзгоримни.

Фалак бедодидин гарчи мани хокий губор ўлдум,
Тилармен, топмагайлар тўтиёлигга губоримни.

Шак эрмас партави тушгач уйи хам, рахти хам куймак,
Чу гўристон гадои сезмагай шамъи мазоримни.

Деманг, кай сори азм этгунг, манга йўк ихтиёр, охир
Казо илкига бермишмен инони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди колмиш заъфарони юз,
Фалак зулми бадал килди хазон бирла бахоримни.

Диёрим ахли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,
Не тонг, бошим олиб кетсам кўюб ёру диёримни.

Ёмон холимга багри огригай хар кимсаким кўргай,
Багир парголасидин конга булгонгон узоримни.

Хаётим бодасидин саргаронмен асру, эй сокий,
Кадахка захри котил куй, доги дафъ эт хуморимни.

Жахон таркини килмай чунки тинмок мумкин эрмастур,
Навойи, кил мени озод ўртаб йўку боримни.

Улуг Навоийнинг хар бири бир жахон маъно, бир олам хис-туйгу ифода килувчи
байгларини такрор-такрор ўкиб, хар сафар кўнглимиз сурур ва хаяжон билан тўлади,
хар сафар бу олмос сатрларнинг янги кирраларини кашф киламиз, янги-янги маъно
товланишларини кўриб хайратланамиз.

Навоий байтлари бизнинг хаётимизга болаликдан, дастлабки ўқиш китоблари билан кириб келади. Биз илк бор буюк шоирни донишманд муаллим сифатида таниймиз, «олим бўлсанг, олам сеники» деб айтган устоз сифатида ўрганамиз. Сўнг ўсмирлик, йигитлик фраслида бизга Навоий мухаббат, вафо дарсини беради.

Ёник ишкий байтларни ён дафтаримизга кўчириб ёзамиз, илк севги мактубларига кўшиб битамиз. Вакт ўтиши билан буюк Алишер кўз олдимизда файласуф сифатида намоён бўлади, бизга хаёт дарсини ўргатади, унинг севинч ва андухлари, завку-жафоларини сўзлаб, дунё хақидаги тасаввур доирамизни кенгайтиради.

Жунун водийсига мойил кўрармен, жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмок бузилгон рўзгоримни.

Мана шу матлаъ билан бошланувчи газал ўзбекнинг хонадонида дам-бадам меҳмон бўлади. Уни машхур хофизларимиз маком йўлларида жуда таъсирли ижро этганлар. Бу газал дунёнинг гаму андухидан зардоб бўлган шоир калбининг афгонидир. Инсон юраги ва тафаккури хаддан зиёд севинчни хам, гамни хам қабул килолмаслик хусусиятига эга. Туйгуларнинг офатли сели кишини телба килади. Шоир ўз жонини жунун, яъни телбалик водийсига мойил кўради, бузулган хаёти-рўзгори уни ақлдан оздиргани, яъни телбаликни бўйинга олиб дашту саҳролар кезишдан ўзга иложи колмаганини ва телбалик — бузиш, вайрон килиш экан, демак бузилган хаётини бир йўла вайрон килмок тилагини фарёд билан ифшо килади:

Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмок бузилгон рўзгоримни.

Шоир дунёдан шунчалар кўнгли колган, совуганки, окибатсиз одамлардан шунчалар меҳри кайтганки, бу хаётдан ҳеч бир нишонсиз йўк бўлиб кетишни тилайди. Инсон жисмику хоки губор бўлмокка маҳкум, лекин шоир истаги:

Фалак бедодидин гарчи мани хокий губор ўлдум,
Тилармен, топмагайлар тўтиёликка губоримни.

Яъни, золим одамлар мени тириклигимда хўрладилар, кадримга етмадилар. Вакт келларки, менинг одамларга кўргузган меҳру садокатим, фидойилигим аён бўлар. Кишилар менинг кадримга етарлар, мазорим хокини кўзларига тўтиё киларлар. Лекин тириклигимда бедодлик килганлар мен дунёдан ўтгач ўкинмоклари бенаф, кўзларига тўтиё килмок учун губоримни топмагайлар. Ўшанда, эй ахли гафлат, Навоий кайга азм этди деб сўраманг, мен тириклигимдаёк ихтиёрим жиловини казонинг кўлига бериб кўйганман:

Деманг, кай сори азт этгунг, манга йўк ихтиёр, охир
Казо илкига бермишмен инони ихтиёримни.

Ошиқ дунёнинг жабру жафосидан кўп конли ёшлар тўқди. Окибат кўзларида ўша кон ёшлар хам куриб тамом бўлди, факат заъфардек саргайган юзи колди. Шоир бу холатни хайратомуз ташбехга боглайди: Золим фалак менинг бахоримни олиб унинг бадалига

хазон фаслини берди. Бу лоладек кон ёшларим куриб, хазондек саргайган юзим колганидан намоён бўлиб турибди.

Туганди ашки гулгун, эмди колмиш заъфарони юз,
Фалак зулми бадал килди хазон бирла бахоримни.

Навоий дахр зулмидан бошига ёгилган балоларни байтдан байтга кучлирок фарёд билан баён килади. Биринчи байт ошикнинг «жунун водийсига мойил» бўлганини, иккинчи байт дунёдан тамом йўк бўлиб кетиш тилагини ифода килса, газал сўнгига якин шоир буларнинг барчасидан ўта офатни каламга олади — бу офат телба бўлишдан хам, дунёдан беному нишон кетишдан хам огир бир офат. Бу — ёру диёрдан жудо бўлиш мусибати. Навоий шундай ёзади:

Диёрим ахли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,
Не тонг, бошим олиб кетсам кўюб ёру диёримни.

Яъни, агар мен ёру диёримни ташлаб бош олиб кетар бўлсам, бунинг боиси ёрим ва диёрим одамларидан бошимга минг балолар ёкканидир. Такдир менинг бошимга солган бу савдо шундай огир савдоким:

Ёмон холимга багри огригай хар кимсаким кўргай,
Багир парголасидин конга булгонгон узоримни.

Багрим пора-пора бўлганидан конга бўялдим, бу холимни кўрган хар бир кимсанинг багри огримай иложи йўк. Тириклик шоирнинг наздида — дард. Бу дарднинг давоси эса ёлғиз ўлим. Асли шаробдан келган бош огрикнинг давоси шароб. Аммо шоир учун тириклик шаробининг дафъи хумори захри котилдир.

Хаётим бодасидин саргаронмен асру, эй сокий,
Кадахка захри котил куй, доги дафъ эт хуморимни.

Яъни, хаёт бодасини ичиб бошим огирдур, эй сокий, кадахга захар куйиб бергин-да менинг бошим огригини дафъ эт. Чунки бу дунёда ўлмаи туриб тинчимак мумкин эмас, шу боис мени дардлардан озод килмокчи бўлсангиз, бору йўгимни ёкинг:

Жахон таркини килмай чунки тинмок мумкин эрмастур,
Навоий, кил мени озод ўртаб йўку боримни.

Навоийнинг бу машхур газали фалак бедодидан, бемехр одамлар жабридан шоирнинг чеккан ноласи бўлиб, неча асрлар оша девондан-девонга кўчирилиб, огиздан-огизга ўтиб, хам китоб вакарларида, хам кўшиқлар канотида бизгача етиб кёлди. Бу-кун биз улуг бобомизнинг олис набиралари бекиёс истеъдод каламидан тўкилган ма-на шундай сатрларни ўкиб, эшитиб онгимиз ва юрагимиз билан бахрамандлик топамиз, узок-узок замонларнинг садосини тинглагандай бўламиз:

Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни...

Эркин Вохидов